

Ортиқча гап



07:10 / 25.09.2019 2702

Яъло ибн Убайддан ривоят қилинади: «Муҳаммад ибн Савқанинг олдига кирдик. У шундай деди: «Сизларга бир гапни айтаман. Шояд, Аллоҳ сизларга у билан манфаат берса, чунки Аллоҳ у билан менга манфаат берди. Бир куни Ато раҳимаҳуллоҳнинг ҳузурига кирдик. У зот бизга қуйидагиларни айтди: «Сизлардан олдингилар ортиқча гапни ёмон кўришарди, уч нарсадан бошқасини ортиқча деб ҳисоблашарди: Аллоҳнинг Китобини тиловат қилиш; яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш ҳамда жуда мажбур бўлгандагина бирор эҳтиёжини гапириш. Аллоҳнинг қуйидаги сўзларини инкор қиласизларми: «Ҳолбуки, сизларнинг устингизда (барча сўзингиз ва ишингизни) ёдлаб турувчи (фаришталар) бор. (Улар номаи аъмолга) ёзувчи улуғ зотлардир». «Зотан, ўнг ва чапда ўтирган икковлон (ёзиб турувчи фаришталар) қабул қилиб (ёзиб) турурлар. У бирор сўзни талаффуз қилса, албатта, унинг олдида ҳозир у нозир бўлган

бир кузатувчи (сўзни ёзиб олувчи фаришта) бордир».

Фараз қилайлик, куннинг охирида бирортангизнинг номаи аъмолингиз ошкор қилинса, номаи аъмол эгаси куннинг бошидан бошлаб то охиригача саҳифасини дунё ва охират учун фойдаси бўлмаган бемаъни нарсалар билан тўлдириб ташлаган бўлса, қандай ҳолатга тушади? Уялмайдами?».

«Солиҳлар гулшани» китобидан